

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2025 йил "23" июндаги  
180-сонли буйруғига  
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**«БОЛАЛАРДА ОРТТИРИЛГАН АПЛАСТИК АНЕМИЯ»  
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА  
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

**ТОШКЕНТ 2025**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**  
**Болалар онкология,  
гематология ва иммунология  
илмий-амалий тиббиёт**



**«БОЛАЛАРДА ОРТТИРИЛГАН АПЛАСТИК АНЕМИЯ»  
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА  
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**«БОЛАЛАРДА ОРТТИРИЛГАН АПЛАСТИК АНЕМИЯ»  
НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

## Кириш қисми

**Орттирилган апластик анемия (ОАА)** - турли даражадаги панцитопения (кам ҳолларда - бицитопения) билан тавсифланадиган касаллик бўлиб, ўз-ўзидан тикланишга мойил бўлмаган, суяк илигида хужайралар сони камайиши ва ўткир лейкоз, миелодиспластик синдром ёки миелофибрознинг цитологик, цитогенетик ва молекуляр-генетик белгиларисиз, шунингдек, гепатоспленомегалия ва массив лимфаденопатия бўлмаслиги билан тавсифланади. Шу билан бирга, гемопоездаги шунга ўхшаш бузилишлар билан тавсифланадиган генетик синдромларни, жумладан, Фанкони анемияси, туғма дискератоз, амегакариоцитар тромбоцитопения, Швахман-Даймонд синдроми, ретикуллар дисгенез ва камроқ учрайдиган апластик анемиянинг бошқа турларини истисно қилиш керак.

Ушбу (АА) миллий клиник протоколлари ХКТ-11 3А70.1 бўйича АА ташхиси қўйилган беморлар учун ишлаб чиқилган бўлиб, ДПМ (турли даражадаги гематологик шифохоналари) да фойдаланиш учун мўлжалланган.

1) ХКТ-10 код(лар)и: Бошқа апластик анемиялар (D61) <https://icd.who.int/>

ХКТ -10		ХКТ -11	
Код	Номи	Код	Номи
D61.2	АА, бошқа ташқи омиллар туфайли юзага келган	3А70.1	Орттирилган АА (шу жумлада: <b>3А70.10</b> Медикаментоз АА; <b>3А70.11</b> токсик АА <b>3А70.12</b> Идиопатик АА <b>3А70.1У</b> Бошқа аниқланган орттирилган АА <b>3А70.1Z</b> Приобретенные апластические анемии неуточненные
D61.3	Идиопатик АА		
D61.8	Бошқа аниқланган АА		
D61.9	Аниқланмаган АА	3А70.Z	Орттирилган АА, аниқланмаган
	<a href="https://icd.who.int/">https://icd.who.int/</a>		<a href="https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#502834133">https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#502834133</a>

Протоколни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси - 2025 йил, қайта кўриб чиқиш санаси янги муҳим далиллар пайдо бўлиши билан. Тақдим этилган тавсияларга киритилган барча ўзгартиришлар тегишли ҳужжатларда эълон қилинади.

Ушбу клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқишга маъсул муассаса: Болалар онкологияси, гематология ва иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази

### Миллий клиник протокол тузувчи ишчи гуруҳ таркиби:

Полатова Д.Ш. – Республика болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси илмий амалий тиббиёт маркази директори, т.ф.д., профессор.

Ибрагимова С.З.-1-болалар гематологияси бўлими шифокор гематологи, т.ф.н.

Арипова Н.Б.-2-болалар гематология бўлими мудир, олий тоифали шифокор.

Бабаханова Н.Н.- 1-болалар гематология бўлими мудир, олий тоифали шифокор.

Еримбетова И.О.- 2-болалар гематология бўлим шифокор гематологи, олий тоифали шифокор.

**Тақризчи:**

Иноятов Х.П.- ТХКМРМ гематология ва трансфузиология кафедраси доценти, тф.н.

**1. Мақсади ва вазифалари:**

Ушбу протоколни яратишдан асосий мақсад – орттирилган апластик анемия (ОАА) беморларини даволашни тўғри ва ўз вақтида амалга ошириш имкониятини яратиш, ОАА касаллигига гумон қилинганларда тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган.

«Орттирилган апластик анемия билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш» клиник протоколи беморни олиб боришда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган:

- ОАА мавжуд беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритмларини аниқлаш;
- тиббий ёрдам харажатлари ҳисоб-китобларини бирлаштириш, мажбурий тиббий суғурта дастурларини ишлаб чиқиш ва тиббий хизматлар учун тарифларни белгилаш;
- тиббиёт муассасаларида беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажми, қулайлиги ва сифатини назорат қилиш, шу жумладан фуқароларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишнинг давлат кафолатларини таъминлаш.

Ушбу протоколда тиббий технологиялардан фойдаланиш далилларининг ишончлилигини баҳолаш учун ягона ўлчовдан фойдаланилди.

## **Мундарижа:**

1.	ТАЪРИФИ ВА ТАСНИФИ	10
2	ОРТТИРИЛГАН АПЛАСТИК АНЕМИЯ ДИАГНОСТИКАСИ	12
3	ҚИЁСИЙ ТАШХИСЛАШ	16
4	ОРТТИРИЛГАН АПЛАСТИК АНЕМИЯ ДАВОСИ	19
5	РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯСИ	33
6	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	35
7	ИЛОВЛАР	37

**Қисқартмалар рўйхати:**

HEPA	High Efficiency Particulate Air- юқори самарали ҳаво филтрити тури
HLA	human leucocyte antigens – тўқималарнинг мослиги антигенлари.
AA	апластик анемия
АлАТ	аланин аминотрансфераза
АсАТ	аспартат аминотрансфераза
АТГ	антитимоцитар глобулин
Г-КСО	Гранулоцитлар колониясини стимулловчи омил
ГЎХТ	Гемопозитик ўзак хужайралари трансплантацияси
ДПМ	даволаш-профилака муассасалари
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ИФА	Иммунофермент анализ
ОАА	Орттирилган апластик анемия
ОГВ	оддий герпес вируси
ОИВ	одам иммунтанқислик вируси
ЛДГ	лактатдегидрогеназа
ПИ	Протромбин индекси
ПЗР	Полимераз-занжир реакцияси
ПТГ	Пароксизмал тунги гемоглобинурия
ЎБЕ	Ўткир буйрак етишмовчилиги
УВИТ	Умумий вариабел иммун танқислиги
УСТ	умумий сийдик таҳлили
УТТ	Ультратовуш текшируви
ЎСВ	Ўпканинг сунъий вентиляцияси
ЭЧТ	эритроцитлар чўкиш тезлиги
ХНН	Халқаро нормаллаштирилган нисбат
ЦМВ	Цитомегаловирус
ЭКГ	электрокардиография
ЭхоКГ	эхокардиография
VZV	Varicella Zoster Virus – варицелла-зостер вируси (сув чечак ва ўраб олувчи темиртки вируси)

**Баённоманинг мақсадли гуруҳи:**

Оилавий шифокорлар,

педиатрлар,

онколог/гематологлар.

Касалликнинг клиник белгилари кузатилганда ҳар қанақанги мутахассисликдаги шифокорлар бемор болани гематолог кўригига юборишлари шарт.

**Беморлар тоифаси:** 18 ёшгача бўлган болалар.

**ТАВСИЯЛАР СИНФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ШКАЛАСИ**

Синф	ТАЪРИФИ	ТАЛҚИНИ
<b>I</b>	Муайян даволаш / тест / муолажа / аралашув усуллари фойдали ва самарали эканлиги исботланган ёки умумий қабул қилинган <b>ВА</b> потенциал фойда потенциал хавфдан аниқ ва сезиларли даражада устундир.	Тавсия этилган
<b>II</b>	Муайян даволаш / тест / муолажа / аралашувнинг фойда / самарадорлигига зид маълумотлар ва/ёки фикрлаш тафовути <b>ЁКИ</b> фойда/хавф мувозанатига оид ноаниқлик.	Мақсадга мувофиқ
<b>IIa</b>	Аксарият маълумотлар/фикрлар фойдаси/самарадорлигини кўрсатади.	
<b>IIb</b>	Маълумотлар/фикрлар фойдаси/самарадорлиги ҳақида унча аниқ ишонарли эмас.	Ўта эҳтиёткорлик билан

**Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи  
(ташхислаш аралашувлари учун)**

Далилларнинг исботланганлик даражаси	
1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Референс усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

**Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи  
(профилактика, даволаш ва реабилитацион тадбирлар учун)**

<b>Далилларнинг исботланганлик даражаси</b>	
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши бундан мустасно
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар церийаси тавсифи, «ҳолат-назорат» тадқиқоти
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси

**Тавсияларнинг ишончилилик даражасини баҳолаш шкаласи**

<b>Тавсияларнинг ишончилилик даражаси</b>	
А	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
В	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
С	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган, кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари, натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган

## ТАЪРИФИ ВА ТАСНИФИ

### КИРИШ

Орттирилган апластик анемия касаллиги кам учрайдиган касаллик бўлиб учраш частотаси ҳар 1 000 000 нафар болалар орасида 2-6 тани ташкил қилади. Ёшга боғлиқ ҳолдаги касалликни кўпроқ учраши кузатилмайди. Касаллик билан зараланиш одатда иккала жинсдаги болаларда деярли бир хилда кузатилади.

Орттирилган апластик анемия аксарият ҳолатларда этиологик идентификацияга тўғри келмайди ва идиопатик сифатида таснифланади. Орттирилган апластик анемиянинг 10-20% ҳолатларида этиологияси аниқ бўлади; ушбу ҳолатларнинг аксарияти гепатит билан боғлиқ бўлади.

### 1.1. Таърифи

Орттирилган апластик анемия - турли даражадаги панцитопения (кам ҳолларда - бицитопения) билан тавсифланадиган касаллик бўлиб, ўз-ўзидан тикланишга мойил бўлмаган, суяк илигида хужайралар сони камайиши ва ўткир лейкоз, миелодиспластик синдром ёки миелофибрознинг цитологик, цитогенетик ва молекуляр-генетик белгиларисиз, шунингдек, гепатоспленомегалия ва массив лимфаденопатия бўлмаслиги билан тавсифланади. <https://www.jacionline.org/article/S0091-6749%2817%2930153-7/fulltext>].

### 1.2. Таснифи (этиологияси бўйича, босқичлари)

<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/32674427/>].

#### 1-жадвал

Орттирилган аплазияларнинг этиологияси бўйича таснифи [5]	
1.	Идиопатик апластик анемия
2.	Иккиламчи апластик анемия:
а)	радиация.
б)	Дорилар ва токсинлар:
	<ul style="list-style-type: none"><li>• дозага боғлиқ АА келтириб чиқарувчи;</li><li>• идиосинкрatik АА келтириб чиқарувчи.</li></ul>
в)	Вирусли инфекциядан кейинги:
	<ul style="list-style-type: none"><li>• гепатит;</li><li>• Эпштейн-Барр вируси;</li><li>• Одам иммунотанқислик вируси;</li><li>• парвовирус В19 иммунотанқислик бор беморларда.</li></ul>
г)	Иммун касалликлари фонида:
	<ul style="list-style-type: none"><li>• гипогаммаглобулинемия (УВИТ, Ниймеген синдроми, лимфопротлифератив синдром);</li><li>• «трансплантат-хўжайинга қарши» касаллиги;</li><li>• эозинофилли фасциит;</li><li>• тимуснинг тимома ва карциномаси.</li></ul>

### 1.1. Орттирилган апластик анемиянинг оғирлик даражасига кўра таснифи [2,3]:

Қон параметрларининг пасайиш даражасига қараб, орттирилган апластик анемиянинг қуйидаги шакллари фарқланади	
Жуда оғир	Трепанобиопсия натижаларига кўра, суяк илигининг ҳужайра сони <25% (ёки ҳужайра сони >25% лекин <50% ва миелоид элементлар (яъни лимфоцитлар ва плазмоцитлардан ташқари) миқдори <30%) ва қуйидаги кўрсаткичларнинг 2 ёки ундан кўпи: <ul style="list-style-type: none"><li>• нейтрофиллар &lt;0,2 x10<sup>9</sup>/л;</li><li>• тромбоцитлар &lt; 20 x10<sup>9</sup>/л;</li><li>• корригирланган ретикулоцитоз &lt;1% (40 000/мкл дан кам).</li></ul>
Оғир	Трепанобиопсия натижаларига кўра, суяк илигининг ҳужайра сони <25% (ёки ҳужайра сони 25%-50% ва миелоид элементлар (яъни лимфоцитлар ва плазмоцитлардан ташқари) миқдори <30%) ва қуйидаги кўрсаткичларнинг 2 ёки ундан кўпи: <ul style="list-style-type: none"><li>• нейтрофиллар &gt;0,2 x10<sup>9</sup>/л, лекин &lt;0,5 x10<sup>9</sup>/л;</li><li>• тромбоцитлар &lt;20 x10<sup>9</sup>/л /мкл;</li><li>• корригирланган ретикулоцитоз &lt;1% (ёки 40 000/мкл дан кам автоматлаштирилган ҳисоблашда).</li></ul>
Оғир бўлмаган (ўртача оғирликда)	Оғир ва ўта оғир АА мезонларига жавоб бермайдиган бошқа барча ҳолатлар оғир бўлмаган (ўртача) АА сифатида таснифланади. Агар доимий эритроцитар масса ёки тромбоцит концентрати ёки фақат тромбоцит концентрати трансфузиясига эҳтиёж бўлса, апластик анемия енгил деб ҳисобланмайди.

### 1.3. Касалликнинг клиник кўриниши

[<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/32674427/>]. [Тавсия кучи: кучли; Ишончлилик даражаси: Па; Далиллар даражаси: В]

Касалликнинг бошланиши одатда ўткир бўлиб, учта гематопэтик шикастланишдан келиб чиққан учта синдром билан тавсифланади:

#### А) анемик синдром:

- умумий ҳолсизлик, тери рангпарлиги, тахикардия, ҳансираш, кулоқда шовқин, бош айланиши

#### В) геморрагик синдром

- петехиялар, экхимозлар, шиллик қаватлар, склерага қон қуйилиши, бурундан, милкдан ва б. қон кетиши.

#### С) инфекцион асоратлар

- иситма, стоматит, ангина, терида инфекция ўчоқлари, пневмония ва бошқалар.

## 2. ОРТТИРИЛГАН АПЛАСТИК АНЕМИЯ ДИАГНОСТИКАСИ

### Амбулатория шароитида ташхислаш.

NB! Ташхислаш меъзонлари [5]:

ОАА ташхиси қуйидаги белгилар асосида қўйилади:

- Периферик қондаги уч кўрсаткичдан камида иккитаси барқарор ҳолатда 2 ҳафтадан ортиқ муддатда пасайиши:
  - тромбоцитлар  $140 \times 10^9/\text{л}$  дан кам;
  - гранулоцитлар  $1,5 \times 10^9/\text{л}$  дан кам (5 ёшгача бўлган болаларда -  $1 \times 10^9/\text{л}$  дан кам);
  - гемоглобин  $110 \text{ г/л}$  дан кам.
- суяк илиги пунктатларида ўткир лимфобластик/ўткир миелобластик лейкоз ва бошқа ўсма хужайраларининг (нейробластома, рабдомиосаркома, лимфома);
- трепанобиопсия натижаларига кўра суяк илигининг хужайра сони ёки лимфоцитар таркибида нормал хужайра сони 50% дан кам бўлиши; лейкоз ёки бошқа ўсма хужайраларининг йўқлиги;
- суяк илиги пунктатларида гипопластик миелодиспластик синдром аниқ белгиларининг – уч қаторли дисплазия, микромегакариоцитлар ва миелодиспластик синдромга хос цитогенетик бузилишларнинг йўқлиги.

### Шикоятлари ва анамнези:

Анемия ривожланишига боғлиқ шикоятлар:

- қувватсизликни ортиши;
- ҳолсизлик;
- бош айланиши;
- кулоқда шовқин;
- юрак уриши тезлашиши;
- тери қоқлами ва кўринарли шиллик қаватлар рангпарлиги;
- суяк ва бўғимларда оғрик;
- кўл ва оёқларда яққол шишлар;
- ноаниқ этиологияли иситма.

Анамнезида:

- тез тез кузатиладиган инфекцион асоратлар (яралли-некротик ангина, афтоз стоматит, отит, панариция, постинфекцион абсцесслар);
- касаллик бошланишидан 6 ойгача бўлган муддатда ўткир ноаниқ этиологияли гепатит ўтказганлиги;
- бўёқлар, лак, эритмалар билан контакт;
- оиласида гематологик касалликлар бўлиши.

### **Физикал текширувлар [5]:**


#### **Умумий кўрик:**

- юз тузилишининг аномалиялари – учбурчак юз, кичик кўзлар, эпикантус, кичик юз хусусиятлари, микроцефалия ва кўлнинг 1-бармоғи аномалияси, тенар шакли, олти бармоқлик, синдактилия, клинодактилия;
- тери пигментациясининг хусусиятлари – «сутли қаҳва» рангидаги доғлар, ретикуляр гиперпигментация;
- терида, оғиз бўлиши шиллик қаватида, кўз конъюнктивасида геморрагик синдром белгилари;
- тирноқ дистрофиясининг мавжудлиги, айниқса оёқ бармоқларида;
- сочларнинг ранги ва тузилиши - эрта оқариш, ингичкалашиш, мўртлик, нозиклик;
- оғиз бўлиши шиллик қаватларида яққол лейкоплакия;

#### **Лаборатор текширувлар [2,5,20,21]:**

- умумий қон таҳлили – анемия, тромбоцитопения, лейкопения, ЭЧТ ошиши, лейкоцитар формулада нейтропения, лимфоцитоз, ретикулоцитопения;
- суяк илигининг морфологик текшируви - гематопоезиснинг барча уч қаторининг кескин камайиши, суяк илигининг ёғли дегенерацияси. Текширув ўтказиш усули ушбу КПнинг 1-иловасида кўрсатилган.
- биокимёвий қон таҳлили – мочевино, креатинин, умумий билирубин, АЛТ, АСТ, ЛДГ, ишқорий фосфатаза, декстроза,  $K^+$ ,  $Na^+$ ,  $Ca^{++}$  даражаларининг нормал кўрсаткичлари; цитолит, буйрак етишмовчилиги, гемолизни истисно қилиш учун.
- Циклоспорин А концентрациясини кузатиш ва терапиянинг ноўя таъсирини кузатиш.
- оғир ва жуда оғир шаклдаги апластик анемия ҳолатларида пациент, унинг ака укалари ва ота-оналарини (серологик / молекуляр) HLA-типлаш орқали мувофиқ донорларни излаш зарур.
- HBsAg мавжуд бўлган ҳолда гепатит А, С, В ва D маркерларини серологик текшириш;
  - Оғир панцитопения билан намоен бўлиши мумкин бўлган мегалобластик анемияни истисно қилиш учун В12 витамини ва фолий кислотаси даражасини текшириш.
  - Иккиламчи гемосидероз диагностикаси учун ферритин ва зардобдаги темир даражасини ўрганиш. Темирнинг ҳаддан ташқари кўпайиши апластик анемияда ёмон прогнознинг муҳим омилдир.

## Амбулатория шароитида касалликни ташхислаш алгоритми:



## КАСАЛХОНА ШАРОИТИДА ТАШХИСЛАШ:

### Шикоятлари ва анамнези:

#### Анемия ривожланши билан боғлиқ шикоятлар:

- қувватсизлик ортиши;
- ҳолсизлик;
- бош айланиши;
- қулоқда шовқин;
- юрак уриши тезлашиши;
- тери қоплами ва кўринарли шиллик қаватлар рангпарлиги;
- суяк ва бўғимларда оғриқ;
- қўл ва оёқларда яққол шишлар;
- ноаниқ этиологияли иситма.

### **Анамнездан:**

- тез тез кузатиладиган инфекция асоратлар (ярали-некротик ангина, афтоз стоматит, отит, панариция, постинфекцион абсцесслар);
- касаллик бошланишидан 6 ойгача бўлган муддатда ўткир ноаниқ этиологияли гепатит ўтказганлиги;
- бўёқлар, лак, эритмалар билан контакт;
- оиласида гематологик касалликлар бўлиши.

### **Физикал текширувлар [5]:**

#### **Умумий кўрик:**

- юз тузилишининг аномалиялари – учбурчак юз, кичик кўзлар, эпикантус, кичик юз хусусиятлари, микроцефалия ва қўлнинг 1-бармоғи аномалияси, тенар шакли, олти бармоқлик, синдактилия, клинодактилия;
- тери пигментациясининг хусусиятлари – «сутли қаҳва» рангидаги доғлар, ретикуляр гиперпигментация;
- терида, оғиз бўлиши шиллик қаватида, кўз конъюнктивасида геморрагик синдром белгилари;
- тирноқ дистрофиясининг мавжудлиги, айниқса оёқ бармоқларида;
- сочларнинг ранги ва тузилиши - эрта оқариш, ингичкалашиш, мўртлик, нозиклик;
- оғиз бўлиши шиллик қаватларида яққол лейкоплакия;

### **Касалхона шароитида лаборатор текширувлар:**

#### **1) Асосий ташхислаш чоралари рўйхати:**

- Умумий қон таҳлили лейкоформула, тромбоцитлар ва ретикулоцитларни ҳисоблаш билан;
- суяк илигининг морфологик текшируви - гематопоезиснинг барча уч қаторининг кескин камайиши, суяк илигининг ёғли дегенерацияси.
  - Суяк илиги трепанобиопсияси – суяк тўқимаси гистологик текшируви ( ушбу протоколнинг 1-иловасига қаралсин);
- қон биокимёвий таҳлили – мочевино, креатинин, ЛДГ, ИФ, электролитлар, умумий ва боғланмаган, АЛТ, АСТ, декстроза, СРО;
  - суяк илигининг цитогенетик текшируви;
  - витамин В 12 ва фолат кислотаси даражаси;
  - зардобдаги темир ва ферритин;
- НЛА-типлаш, беморлар ва ака укалари (опа сингиллари) учун;
- Қон гуруҳини фенотипи билан биргаликда аниқлаш;
- ИФА вирусли гепатитлар маркерларини текширишга;
- ИФА ОИВ маркерларини текширишга;
- коагулограмма;
- УСА;
- Кўкрак қафаси органлари рентгенографияси, икки проекцияда;

## 2) Қўшимча ташхислаш чоралари рўйхати:

- Вирусологик текширувлар – гепатит В ва С, Эпштейн-Барр вируси, одам иммунтанқислик вируси, цитомегаловирус, оддий герпес вируси;
- Қон флорасини бактериологик текшируви, сийдик, нажас, танглайдан, бурун ва кўздан суртма олиш;
- GPI-боғланган оқсиллар етишмовчилигини аниқлаш учун сийдикдаги гемосидеринни текшириш;
- периферик қон лейкоцитларининг иммунофенотипини аниқлаш ва ПНГ билан боғлиқ маркерларнинг экспрессия даражасини аниқлаш;
- Фанкони анемиясини истисно қилиш учун хромосомаларнинг мўртлиги тести;
- периферик қон лимфоцитларининг диэпоксидан билан юқори сезувчанликка текшириш;
- қонни прокальцитонинга текшириш;
- FISH (5q- ва 7- дан ташқари); DKC1, TERC, TERT генларидаги мутацияларни анализ қилиш/иммуносупрессив терапияга жавобни йўқотиш белгиларини аниқлаш учун дискеротозни истисно қилиш. Кариотипни аниқлаш
- галактоманнанга синама;
- метаболик ва респиратор бузилишни аниқлаш мақсадида кислота-асос ҳолатини текшириш;
- антибиотикларга сезгирликни аниқлаш учун қонда микробиологик текширув ўтказиш;
- қалқонсимон без гормонларни текшириш;
- вирусли инфекцияларни аниқлаш учун ПЗР/ИФА текшируви (вирусли гепатитлар, цитомегаловирус, оддий герпес вируси, Эпштейн-Барр вируси, Varicella/Zoster вируси);
- биоптатни иммуногистокимёвий текшируви (гребень подвздошной кости);
- квантиферон тести.

## 3. ҚИЁСИЙ ТАШХИС

2-жадвал

Ташхис	Қиёсий ташхис учун асос	Текширувлар	Ташхисни истисно қилиш мезонлари
Ўткир лимфобласт/миелобласт лейкоз	анемик, геморрагик синдром, интоксикация симптомлари	миелограмма текшируви ва суяк илиги трепанобиопсияси	Трепанобиоптат ва суяк илигининг хусусиятлари: чуқур панцитопения (анемия, лейкопения, тромбоцитопения). Қон ҳосил бўлишининг барча учта турининг кескин камайиши, суяк илигидаги ёғ тўқимасининг кўпайиши ва бластларнинг йўқлиги.

Мегалобласт анемия	Эритроцитлар гемоглобин миқдор камаяди, лейкопения ва тромбоцитопения кузатилади. Бунда ташқари, иккала турдаг анемияда ҳам гемолити синдром ривожланиш мумкин	Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма текшируви	АА да макроцитоз билан боғлиқ гиперхром анемия бўлмайди; Периферик қон ва суяк илигида гиперсегментирланган нейтрофиллар йўқ; Миелограммадаги хусусиятлар (мегалобластларнинг гиперплазияси эмас, балки қизил қон ҳужайраларини ҳосил қилиш жараёнининг пасайиши). Нерв тизими зарарланмайди.
Миелодиспластик синдром	анемик, геморрагик синдромлар, интоксикации симптомлари.	Миелограмма текшируви	Қон ҳосил бўлишининг барча учта турининг кескин камайиши, суяк илигидаги ёғ тўқимасининг кўпайиши. Дизэритропоэтик эритропоэз характерли эмас.
Маркиафава-Микели касаллиги (пароксизмал тунги гемоглобинурия)	анемик, геморрагик синдромлар, интоксикации симптомлари. Бундан ташқари, иккала турдаг анемияда ҳам гемолитик синдром ривожланиши мумкин.	Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма, Умумий сийдик таҳлили.	ААда гемосидеринурия ва гемоглобинурия, шунингдек, плазмада юқори миқдорда эркин гемоглобин бўлмайди. Қўл-оёқ, буйрак ва бошқа периферик томирлар тромбози кузатилмайди. Ретикулоцитоз хос эмас. Хема ва Гартман тестлари манфий. Миелограммада барча учта қон ҳосил бўлиш турининг кескин камайиши, суяк илигида ёғ тўқимасининг кўпайиши кузатилади..
Қизил қон ҳужайралари ҳосил бўлишининг қисман пасайиши билан кечувчи анемия	Анемик синдром, интоксикация симптомлари.	Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма, умумий сийдик таҳлили, периферик қоннинг иммунофенотипик таҳлили ПНГ клонини аниқлаш учун.	Яққол геморрагик синдром. Қон ҳосил бўлишининг барча учта турининг кескин камайиши, суяк илигидаги ёғ тўқимасининг кўпайиши. ПНГ клон аниқланмайди.

Агранулоцитоз	анемик, геморрагик синдромлар, интоксикации симптомлари	Анамнез. Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма.	Гектик иситма билан кечувчи оғир септик ҳолат кам учрайди. Касаллик бошланишида периферик қонда эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдори ва тромбоцитлар кескин камаяди. Лейкопения, гранулоцитларнинг тўлиқ ёки деярли йўқлиги. Миелограммада барча учта қон ҳосил бўлиш турининг кескин камайиши, суяк илигида ёғ тўқимасининг кўпайиши кузатилади.
Бириктирувчи тўқиманинг тизимли касалликлари (тизимли қизил бўрича, ревматоид артрит ва б.)	Панцитопения, интоксикация симптомлари.	Анамнез. Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма.	Миелограмма ва трепанобиопсияда барча учта қон ҳосил бўлиш турининг кескин камайиши, суяк илигида ёғ тўқимасининг кўпайиши кузатилади.
Сурункали гепатит ва жигар циррози	анемик, геморрагик синдромлар, интоксикации симптомлари	Анамнез. Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма, ИФА ва ПЗР текшируви С ва В вирусли гепатитни аниқлаш мақсадида	Жигарнинг функционал ҳолати кўрсаткичларида жиддий бузилишлар, жигар ва талоқнинг катталашиши кузатилмайди. Трепанобиоптат ва суяк илигидаги хусусиятлар: чуқур панцитопения (анемия, лейкопения, тромбоцитопения). Барча учта қон ҳосил бўлиш турининг кескин камайиши, суяк илигида ёғ тўқимасининг кўпайиши.
Эндокрин касалликлар, гипопитуитаризм, гипотиреоз.	анемик синдром, интоксикации симптомлари.	Анамнез. Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма, трепанобиопсия, қалқонсимон без гормонлари.	Гипотиреоз клиникаси йўқ. Трепанобиоптат ва суяк илигидаги хусусиятлар: чуқур панцитопения (анемия, лейкопения, тромбоцитопения). Барча учта қон ҳосил бўлиш турининг кескин камайиши, суяк илигида ёғ тўқимасининг кўпайиши.

Турли хил сабабли гиперспленизм синдроми (инфекция, паразитар касалликлар, Гоше касаллиги, Ниман-Пик касаллиги)	Панцитопения синдромлари, интоксикация симптомлари.	Анамнез. Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма, трепанобиопсия, қонда қуруқ томчи текшируви. Гельминтлар таҳлили учун ИФА.қорин бўшлиғи аъзолари УТТ. Ахлат текшируви.	Спленомегалия характерли эмас. Барча учта қон ҳосил бўлиш турининг кескин камайиши, суяк илигида ёғ тўқимасининг кўпайиши.
Фанкони анемияси	анемик, геморрагик синдромлар, интоксикация симптомлари	Анамнез. Периферик ва веноз қонни текшириш, миелограмма, цитогенетик таҳлил. Гормонлар таҳлили. Периферик қон лимфоцитларининг диэпоксибутанга юқори сезувчанлигига тест ўтказиш.	Тери пигментацияси, суяк ва ички органлардаги туғма нуқсонлар кузатилмайди. Диэпоксибутанга тест натижаси манфий..
Онкологик касалликлардаги анемиялар	анемик, геморрагик синдромлар, интоксикация симптомлари	Миелограмма текшируви	Ўсма хужайраларининг йўқлиги ва уччала қон ҳосил бўлиш турининг кескин камайиши.

#### 4. ОРТТИРИЛГАН АПЛАСТИК АНЕМИЯ ДАВОСИ

##### Даво тактикаси:

Апластик анемиyani даволашда асосий тактика иммуносупрессив терапияни қўллашдан иборат бўлиб, оғир даражадаги АА да ТГСҚ ўтказилади.

##### 5.1. Номедикаментоз даво:

**Режим:** умумий ҳимояловчи. [<https://www.jacionline.org/article/S0091-6749%2817%2930153-7/fulltext>].

NB! бармоқдан қон олиш ва мушак ичига инъекция қилиш тақиқланади.;


**Пархез:** стол №11, №15.

NB! Нейтропенияга чалинган беморларга УД-В диетасини сақлаш тавсия этилмайди. Ҳозирги кунда “нейтропеник диета” самарадорлигини тасдиқловчи маълумотлар йўқ. [24-26].

## 5.2. Медикаментоз даво:

Терапевтик стратификация HLA-мос келадиган донорнинг оила аъзоларида мавжудлигига асосланади. Шу сабабли HLA-типлаш AA ташхиси қўйилганидан сўнг дарҳол беморнинг барча оила аъзоларида ўтказилади [5]. HLA-мос донор бўлмаган барча ҳолатларда, касалликнинг оғирлигидан қатъи назар, антитимоцитар глобулин\* (УД-А) ва циклоспорин А (УД-А) билан биргаликда иммуносупрессив терапия ўтказиш тавсия этилади. [<https://www.jacionline.org/article/S0091-6749%2817%2930153-7/fulltext>].

### Иммуносупрессив терапиянинг умумий [5]:



• от антитимоцитар глобулини\* - 4 кун давомида ҳар бир инъекция учун 40 мг/кг (курс дозаси 160 мг/кг) (УД-А);

Куён АТГ\* кунига 3,5 мг/кг дозада 5 кун давомида ССА билан биргаликда биринчи даражали терапия сифатида фақат от АТГ бўлмаганда қўлланилиши мумкин ва иккинчи даражали даволашнинг асосий препарати (УД-А) ҳисобланади. От АТГ\* ёки куён АТГ касалхона шароитида, яхшиси битта хонада, вена ичига 1000-1500 мл 0,9% натрий хлорид эритмаси билан 12 соат давомида кетма-кет беш кун давомида юборилади;

- Циклоспорин А бошланғич дозада 4-5 мг/кг, антитимоцитар глобулин курси тугагандан кейинги кундан бошлаб, 2 маҳал ичилади, қолган ҳолларда препаратни қўллаш (УД-А) [2,5] га қаранг. Препаратнинг мақсадли даражаси 200 дан 400 нг/мл гача. Циклоспорин билан терапияни 6 ойдан 2 йилгача узайтириш касалликнинг қайта пайдо бўлишини олдини олмайди, лекин ремиссияни узайтиради. [22].
- Метилпреднизолон 1 мг/кг/кундан, венага ёки оғиз орқали, 3 маҳалга бўлинган ҳолда, антитимоцитар глобулинни юборишни бошлагандан кейинги 1-14 кун давомида белгиланади. Биринчи метилпреднизолон юбориш антитимоцитар глобулинни юборишни бошлагандан 1 соат олдин амалга оширилади. Агар зардоб касаллигининг белгилари пайдо бўлса, метилпреднизолоннинг дозаси кунига 2 мг/кг гача оширилиши мумкин, аммо умуман олганда, бундай ошириш тавсия этилмайди, чунки зардоб касаллиги, одатда, ўртача 4-7 кун давом этадиган ўзини ўзи чеклаб қўядиган синдром ҳисобланади (УД D). [5].
- Гранулоцитар колониястимуллоуви фактор (G-CSF) - клиник ёки микробиологик тасдиқланган инфекция борлигини кўрсатади (УД B), [5]. G-CSF ning бир марталик дозаси 5 мкг/кг тери остига юборилади. Препарат ҳар куни, гранулоцитларнинг даражаси  $5 \times 10^9/\text{л}$

дан юқори бўлмагунча юборилади, кейин эса гранулоцитар жавоб мувофиқ бўлганда, ҳар икки кунда бир марта юборишга ўтилади.

**Трансфузион терапия [2, 5].** [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/16846453/>].

NB! Қоннинг барча хужайрали компонентлари - эритроцитар массаси, тромбоконцентрат, гранулоцитар суспензия - 25 Грей дозада нурлантирилиши керак.

**Эритроцитар масса/суспензия (УД-Д):** [<https://www.efsa.europa.eu/en/efsajournal/pub/2603>].

**Кўрсатма:**

- сурункали анемиялар, симптоматик анемия (тахикардия, ҳансираш, стенокардия, синкопе, ST депрессия ёки элевацияси);
  - гемоглобина даражаси 30 г/л дан паст.

NB! Апластик анемия билан оғриган беморларга эритроцитар массани қуйиш темир метаболизмнинг динамик мониторинги билан амалга оширилиши керак.

**Тромбоцитлар концентрати (УД- D):**

**Кўрсатма:**

[<https://www.efsa.europa.eu/en/efsajournal/pub/2603>].

- Тромбоцитлар даражаси  $10 \times 10^9$ /л дан пасайганда

NB! Антитимоцитар глобулин курси бошланишидан олдин, айниқса, биринчи 10 кун давомида, тромбоцитлар даражаси  $30-50 \times 10^9$ /л дан паст бўлмаслиги учун аферез тромбоцитларини қон қуйиш амалга оширилади.

NB! Кейинчалик, тромбоцитлар даражаси  $20 \times 10^9$ /л дан юқори бўлиши учун тромбоконцентрат қон қуйилади. Агар қон кетиш хавфи юқори бўлса, тромбоцитлар сонидан қатъи назар, тромбоконцентрат қон қуйилади.

**Янги музлатилган плазма (УД-Д):** [<https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/16846453/>].

**Кўрсатма:**

- қон кетиш/инвазив амалиётларни ўтказишдан олдин;
- МНО  $\geq 2.0$  бўлган беморлар (нейрохирургик аралашувларда)  $\geq 1.5$ ).

**Дефероксаминдан фойдаланиб, хелатор терапияси (Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олингандан кейин)**

**Деферазирокса (УД-В) [5]:**

**Кўрсатма:** □ кўп марта қон қуйиш натижасида организмнинг темир билан ортиқча тўйиниши.

**Инфекция профилактикаси ва давоси:**

АА пациентлари гранулоцитлар сони 500/мкл дан юқorigа кўтарилгунга қадар кўрсатмалар бўйича инвазив микозлардан профилактика оладилар. (УД – В) [5].

**АТГ такрорий курси (от/қуён):** [<https://www.efsa.europa.eu/en/efsajournal/pub/2603>].

**Кўрсатма:**

- биринчи АТГ курсини бошлагандан кейин +100 кун ичида қисман гематологик жавоб бўлмаганда [5].

**Қарши кўрсатма:**

- оғир соматик касалликлар;
- ёндош юрак қон томир, буйрак, жигар, нафас етишмовчилиги мавжудлиги.

NB! Биринчи АТГ курсини бошлагандан кейин +100 кун ичида минимал гематологик жавоб бўлмаганда пациент қариндош бўлмаган донордан аллоген гемопоэтик хужайралар трансплантациясини амалга оширадиган марказга маслаҳат учун юборилиши керак, бунда муолажанинг зарурлиги ва муддатлари тўғрисида қарор қабул қилиниши керак (УД – В) [5].

**Иммуносупрессив терапияни ўтказишда лаборатор ва инструментал мониторинг [5].**

[<https://www.efsa.europa.eu/en/efsajournal/pub/2603>].

- тромбоцитларни ҳисоблаш билан қоннинг клиник таҳлили;
- терапиянинг дастлабки 4 ҳафтасида биокимёвий қон таҳлили – ҳар ҳафта, кейинчалик 2-4 ҳафтада бир марта;
- циклоспорин А концентрациясини мониторинг қилиш ҳар 24 ҳафтада камида бир марта амалга оширилади;
- суяк илигини текшириш биринчи антимоцитар глобулин курсини ўтказгандан кейин 12 ой ичида гематологик жавоб бўлмаганда, эришилган гематологик жавоб йўқолганда ва гемограммада лейкопения хужайралари пайдо бўлганда амалга оширилади;
- инструментал текширувлар клиник кўрсатмалар бўлганда амалга оширилади.

**Стационар даражасида кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар:**

**Гемопоэтик хужайралар трансплантацияси (УД – В) [5, 27-30].** Ўтказиш усули 1-иловада кўрсатилган. [<https://www.efsa.europa.eu/en/efsajournal/pub/2603>].

**Кўрсатма:**

Оғир ва жуда оғир шаклдаги апластик анемия. Мос келадиган қариндош, қариндош бўлмаган ёки гаплоидентик донорлардан ТГСКни 18 ёшгача бўлган АТГ+CsAга 3-6 ой давомида жавоб бермаган пациентлар учун иккинчи даволаш сифатида ҳам қўллаш мумкин..

**Қарши кўрсатма:**

- оғир соматик касалликлар, ёндош юрак қон томир, буйрак, жигар, нафас етишмовчилиги мавжудлиги.

**Гемопоэтик хужайралар трансплантацияси олувчилардаги инфекцияларни даволаш принциплари:**

- номаълум этиологияли иситма ривожланганда, β-лактама антибиотики асосида стандарт антибактериал терапия, Грам (-) бактерияларга нисбатан кучли фаолликка эга, жумладан кўк йиринг таёқчасига: цефепим ёки пиперациллин/тазобактам (УД – В) тайинланади [5-10];
- уомаълум этиологияли «асоратсиз» иситмада (ўзини яхши сезиш, нормотензия, орган дисфункцияси йўқлиги, антипиретик таъсири остида ҳарорат нормаллашганда тахикардия йўқлиги ёки ҳарорат ва юрак уриш тезлигининг номувофиқлиги) β-лактама билан монотерапия мумкин (УД – В) [5-10];
- титраш, ўзини ёмон ҳис қилиш, оғиз бўшлиғининг некротик шикастланиши, тахикардиянинг кучли бўлиши, ҳар қандай орган дисфункцияси ёки гипотензия мавжуд бўлганда, икки (β-лактама + ванкомицин) ёки учта препарат (β-лактама + амикацин + ванкомицин) билан комбинация қилинган антибактериал терапия тайинланади (УД – В) [5-10];
- кўзгатувчини аниқлашда сезгирликка қараб антимиқроб терапиясини коррекциялаш;
- 72-96 соат давомида иситма сақланиб қолса, беталактама алмаштирилади ва эхинокандин билан эмпирик антимикотик терапия тайинланади (УД – С) [5];

- нафас олиш симптомлари (йўтал, ҳансираш, кўкрак қафасида оғрик) бўлганда, кўкрак қафасининг КТси ўтказилади ва ҳар қандай ўчоқли ўзгаришлар бўлганда, *Aspergillus*'га йўналтирилган даволаш тайинланади (вориконазол ёки бошқа турдаги антимикотик билан биргаликда вориконазол) (УД – В) [5-10];

Гемопозитик ҳужайралар трансплантацияси олувчиларда лаборатория мониторинги:

- тромбоцитларни ҳисоблаш билан биргаликдаги қон клиник таҳлили:
  - трансплантат ўрнашгунигача – ҳар куни;
  - кейинчалик – гемограмма динамикасига қараб.
- К+, мочевина, креатинин, билирубин, АлАТ, АсАТни мажбурий равишда аниқлаш билан қоннинг биокимёвий таҳлили: трансплантат ўрнашишигача - ҳар куни, ўрнашиб қолганидан кейин 2-4 ҳафта давомида - ҳафтада икки марта, кейинчалик - ҳафтада бир марта. Трансплантат рад этилиши ва “трансплантат-хўжайинга қарши” касаллигининг профилактикаси (УД В) [5-10]:
  - циклоспорин А 3 мг/кг/кун дозада -1 кундан бошлаб доимий ичиш йўли билан ёки 1,5 мг/кг/кун х 2 марта 3 соат давомида ичиш йўли билан қўлланилади. Трансплантат ўрнашиб қолганидан кейин ва тўлақонли қабул қилиш имконияти туғилганда препарат оғиз орқали қабул қилишга ўтказилади. РТПХ йўқлигида CsАнинг тўлиқ дозасини қабул қилиш давомийлиги ТКМдан кейин 12 ой, кейинчалик препарат ҳафтада 10% га камайтириб бекор қилинади.;
  - метотрексат 10 мг/м<sup>2</sup> вена ичига +1, +3 и +6 куни;
  - метотрексат ўрнига микофенолат 25 мг/кг/кун дозада ёки микофенолат мофетил 30 мг/кг/кун дозада, +1 дан +60 кунгача 2 та қабул қилишда қўллаш мумкин..

Инфекция профилактикаси (УД В) [5-10]: □

замбуруғли

инфекция

профилактикаси:

– Флуконазол 5-8 мг/кг/кун оғиз/вена ичига 2 та қабул қилишда ёки позаконазол суспензиясида 15 мг/кг/кун 3 та қабул қилишда оғиз орқали 0,5х10<sup>9</sup>/л дан юқори бўлган гранулоцитларнинг барқарор тикланишигача қўлланилади. “Трансплантат-хўжайинга қарши” касаллиги ривожланганда, глюкокортикоидларни қабул қилишни тугатишгача антимикотик профилактика ўтказилади.

- пневмоцистали пневмония профилактикаси:
  - триметоприм/сульфаметоксазол 20 мг/кг сульфаметоксазолга ҳисобланган ҳолда ҳафтада 3 кун (10, 9, 8 ва 3, 2, -1 кунлар) трансплантациядан олдин ва +21 кундан бошлаб берилади. Иммуносупрессив терапиянинг бутун давомийлиги давомида ўтказилади, дори-дармонлар билан иммуносупрессия тугагандан кейин бир ойдан кейин тўхтатилади.
